

**“Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектларда қурилиш
фаолияти танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш**

ТАРТИБИ

Ушбу тартиб, қурилиш ишлари ҳажмини ойлик даврийликда ҳисоб-китоб қилишда “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилишини ойлик баҳолаб бориш учун зарур кўрсаткичларни шакллантиришга асос бўлувчи “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектларда қурилиш фаолиятининг танланма кузатувини (кейинги ўринларда танланма кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилаб беради.

Танланма кузатув “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилишида ишлар бажараётган тадбиркорлик субъектларини қамраб олади.

Танланма кузатувни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури асос бўлиб хизмат қилади.

I. Умумий қоидалар

1. Танланма кузатув йилда бир маротаба август ойида ўтказилади.

2. Танланма кузатувни ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилишида ишлар бажараётган тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантириш;

б) респондентлар томонидан сўровномани тўлдирилиши;

в) маълумотларни олиш ва бирламчи таҳлил қилиш;

г) танланма кузатув натижалари бўйича “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилишининг давомийлиги, уларнинг қурилиш майдони, қаватлилиги ва девор туридан келиб чиққан ҳолда объектнинг ўртача қийматини ҳисоблаш;

д) “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилиши бўйича ишлар ҳажмини ойлик даврийликда статистик баҳолаб бориш.

II. Танланма кузатув инструментарийси

3. 5-Qurilish танланма кузатувини ўтказишда “Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектларда қурилиш фаолиятини кузатиш сўровномаси”дан фойдаланилади.

Сўровнома икки бўлимдан иборат бўлиб, 1 бўлимда ҳисобот даврида қурилиш ишлари олиб борилаётган “калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар тўғрисида маълумот акс эттирилади. 2 бўлимда объектларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида маълумотлар (янги қурилиш) кўрсатилади.

III. Кузатиш объектлари ва танлаб олинган жамланмани шакллантириш

4. Қурилиш ишларини олиб бораётган барча турдаги корхона ва ташкилотлар кузатиш объектлари ҳисобланади.

5. Мақсадли жамланма Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган “калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектлар қурилишида ишлар бажараётган корхона ва ташкилотлар рўйхати асосида шакллантирилади.

6. Танланма миқдори мақсадли жамланманинг 20-30 фоизини ташкил этади. Бунда субъектлар, қурилиш объектларининг ҳар бир тури бўйича ҳар бир туман ва шаҳар киритилган ҳолда тасодифий равишда танланади.

IV. Кузатувларни ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш

7. Кузатувлар махсус сўровнома асосида, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган муддатларда ўтказилади.

8. Кузатувларни ўтказиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш, унинг натижаларини таҳлил қилиш Давлат статистика қўмитасининг Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси ҳамда унинг бўлимлари томонидан амалга оширилади.

9. Тайёргарлик тадбирларини сўзсиз амалга оширилиши, белгиланган муддатларда кузатувларни ўтказиш мониторинги, ҳудуд бўйича якуний жадвалларни шакллантириш, кузатувни сифатли ўтказиш учун жавобгар ходим Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими бошлиғи (супервайзер) ҳисобланади.

10. Худудий супервайзерлар, кузатув кунларида:

интервьюерлардан бирламчи маълумотларни қабул қиладилар;

сўровнома маълумотларининг тўлиқлиги ва тўғри тўлдирилганлигини назорат қиладилар, сўровнома саволларига жавобларни мантиқий назоратдан ўтказадилар;

танлама кузатув жараёнида юзага келадиган муаммоли саволларни олдини олиш бўйича тезкор чораларни кўрадилар ва зарур ҳолларда, ўзлари ҳам кузатувда иштирок этадилар;

интервьюерлар ишларини умумий мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда улар орасида ишларни тақсимлашни амалга оширадилар;

рўйхатга асосан кузатув объектларини тўлиқ қамраб олинишини назорат қиладилар.

11. Кузатувнинг тайёргарлик тадбирларини сифатли амалга ошириш, кузатув объектларини айланиб чиқиш, қурилиш ишларини амалга ошираётган корхона масъул ходими билан сўров ўтказиш ва кузатув сўровномаларини тўлдириш, туман ёки шаҳар статистика бўлимлари ходимлари орасидан тайинланган интервьюерлар томонидан амалга оширилади.

V. Интервьюернинг мажбуриятлари

12. Танланма кузатувни бошлашдан аввал, интервьюер мазкур тартиб ва сўровномалар билан танишиб чиқиши лозим.

13. Кузатув жараёнида интервьюер қуйидагиларга амал қилиши лозим:

а) респондентларга ҳурмат билан муносабат қилиш, уларга нисбатан ҳушмуомала бўлиш ва сўров ихтиёрий бўлишини таъминлаш, респондентлардан олинган маълумотларни сир сақланишини таъминлаш;

б) респондентларга кузатувнинг мақсад ва вазифаларини аниқ баён қилиш, махсус сўровномага асосан ҳолисона ва беғараз сўров ўтказиш;

в) сўров ўтказилаётган шахснинг рухсатсиз тўлдирилган сўровномага тузатиш ва ўзгартиришлар киритмаслик, сўровномани қалбакилаштиришга йўл қўймаслик;

г) интервьюни тугатишдан аввал, тўлдирилган сўровномаларнинг тўлиқлигини ва сифатини текшириш.

14. Кузатув кунлари интервьюерлар ҳар куни қуйидагиларни амалга оширадилар:

кузатув ўтказилган объектлар бўйича маълумотларни махсус электрон жадвалини тўлдириш;

электрон ахборотни бирламчи назорат ва таҳлил қилиш;

ҳудудий супервайзерларга бирламчи электрон маълумотларни тақдим этиш.

VI. Сўровномани тўлдириш бўйича тушунтиришлар

15. Интервьюер кузатув объектига ташриф буюрганда, саволларга жавоб берувчи респондентни аниқлайди (у қурилиш ишлари амалга оширилаётган объект эгаси ёки объект тўғрисида тўлиқ маълумотга эга шахс бўлиши мумкин) ва унга мазкур кузатувнинг мақсадлари, вазифалари ва ушбу объект танлама кузатув режасига тушганлиги ҳақида ахборот беради.

16. Респондентнинг кузатувда иштирок этишга розилигини олгандан сўнг, интервьюер сўровни ўтказишга киришади.

17. Сўровноманинг “Д” ва “Е” устунлари объектга ҳослигидан келиб чиқиб 1 рақами қўйилади акс ҳолда умуман тўлдирилмайди.

18. Объектда қурилиш ишларининг бошланиш санаси ва кутилаётган фойдаланишга топшириш санаси рақамлар кўринишида қўйилади.

19. Сўровноманинг 2 - бўлими ҳар бир объектнинг қаватлилигидан келиб чиққан ҳолда алоҳида сатрларда тўлдирилади.

20. Объектнинг қурилиш майдони (квадрат метри) респондентнинг сўзларидан ёки объектнинг режаси асосида қўйилади.

Тўлдирилган сўровномага интервьюер имзоси, кузатувнинг бошланган ва якунланган аниқ вақти қўйилади.

VII. Кузатув натижаларини тайёрлаш ва умумлаштириш

21. Худудий бошқармаларнинг Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлимлари қуйидагиларни амалга оширадилар:

электрон ахборотларни бирламчи назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

умумлаштирилган электрон ахборотларни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш.

22. Давлат статистика қўмитасининг Инвестиция ва қурилиш статистикаси бошқармаси ва унинг бўлимлари қуйидагиларни таъминлайдилар:

танлама кузатувлар бўйича амалга оширилаётган ишлар мониторинги;

танлама кузатувлар натижалари таҳлили;

кузатувлар натижалари бўйича таҳлилий жадваллар тайёрлаш.

“Калит остида” ёки сотиш учун мўлжалланган объектларда қурилиш фаолияти танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш

МЕХАНИЗМИ

	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Масъуллар	Муддати
I-босқич	Кузатиш объектлари ва танлаб олинган жамланмани шакллантириш	1. Худудий ҳокимликлар маълумотлари асосида “калит остида” ва сотиш учун мўлжалланган объектлар бўйича маълумотларни шакллантириш; 2. Олинган маълумотлар рўйхатидан кузатиш учун 20-30 % объектларни танлаб олиш.	Давлат статистика қўмитаси ва худудий статистика бошқармалари	Август ойининг биринчи ярими
II-босқич	Кузатувларни ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш	1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан масъул супервайзерларни белгилаш; 2. Вилоят ва туман статистика бўлимлари томонидан кузатувни ўтказиш учун интервьюерларни белгилаш;	Худудий статистика бошқармалари	Август ойининг биринчи ярими
III-босқич	Кузатувларни ўтказиш	1. Рўйхат бўйича кузатувга тушган объектлар жойлашган жойига чиққан ҳолда, объект эгаси ёки объект тўғрисида тўлиқ маълумотга эга шахс билан кузатув ўтказиш; 2. Кузатув сўровномаларининг тўлиқлиги ва сифати супервайзерлар томонидан текширилиши ҳамда кузатув маълумотлари асосида махсус электрон жадвалларни тўлдириш; 3. Тўлдирилган электрон жадвалларни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш;	Давлат статистика қўмитаси ва худудий статистика бошқармалари	Сентябрь ойининг биринчи иш кунига қадар
IV-босқич	Кузатув натижаларини тайёрлаш ва умумлаштириш	1. Худудий статистика бошқармалари томонидан тақдим этилган жадвалларни таҳлил қилиш, сифати, қамрови таъминланганлигини текшириш; 2. Кузатув натижалари бўйича таҳлилий жадвалларни тайёрлаш.	Давлат статистика қўмитаси	Сентябрь ойи яқунига қадар